

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ АСОСИДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ ВА
РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

F. B. Shakirova

Toshkent davlat transport univesiteti dotsenti

Инсоният пайдо бўлгандан буён улар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий айрбошлаш, шунингдек, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш муносабатлари тўхтовсиз ривожланиш жараёнини бошидан кечириб келмоқда. Айниқса, ўтган асрнинг 80-йилларидан бу жараён янада шиддат билан ривожланди, XXI асрнинг дастлабки йилларида инсонлар кўз ўнгига техник-технологик ривожланишда инқилобий ўзгаришлар содир бўлди. Бунинг натижасида инсоният мисли кўрилмаган ижтимоий-иктисодий ютуқларга эришди, ҳаёт кечириш шакли ва шамойили сифат ва қулайлик жиҳатидан кескин ижобий ўзгарди.

Кишилик жамияти тарихидан маълумки, дунё иқтисодиётининг ривожланиши бир текисда, равон давом этадиган жараён бўлмай, балки, ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг «**ривожланиш → пасайиш→ инқироз → жонланиш → ривожланиш**» мантиқий формуласига асосланади. Маълумки, иқтисодий инқироз – янгилик билан эскилик тўқнашуви, ўз ҳаётий цикллик даври тугаган эски иқтисодий тизим, иқтисодий механизм, иқтисодий сиёsat, хўжалик юритиш шакллари билан энди ҳаётйлиги бошланган янги иқтисодий тизим, механизм ва иқтисодий сиёsat ўртасидаги муросасиз тўқнашув. Мазкур кураш ва тўқнашувнинг оқибати ўлароқ, жамиятда катта миқёсда иқтисодий йўқотишлар, ижтимоий ларза ва тангликлар келиб чиқади. Иқтисодиёт –бу пиравард мақсад эмас, бу воситадир. Энг асосийси у инсонга, унинг фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилиши лозим.¹ Айтиш жоизки, инсоният алоҳида олинган давлатлар инқироздан бир йўл билан, яъни фақат янгидан мамлакат иқтисодий тизимини ташкил этиш, бошқарув, иқтисодий механизм ва ишлаб чиқариш фаолиятини такомиллаштириш соҳаларига тегишли янгиликлар, ўзгариши ва янгича ёндашувларни киритиш орқали инқирозли ҳолатлардан чиқсан. Мазкур ҳолат ва юқорида зикр этилган фикрлар инновацион ривожланишнинг умумий тавсифини очиб беради.

Фикримизча, инновацион ривожланишнинг мамлакат миллий иқтисодиёти ривожига таъсири, кишилар ижтимоий-иктисодий ҳаётидаги ўрни хусусида тўхталишдан олдин, унинг иқтисодий моҳияти, шаклланиш эволюцияси ва амал қилиши моделлари юзасидан тадқиқот ишларини амалга ошириш лозим.

¹ О.Х.Хамроев. Иқтисодий мувозанат ва уни таъминлаш механизmlари.-Тошкент, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети, 2004-С.-113.

Классик иқтисодий назария асосчиларидан бири А. Смит янги технологияларга, яъни инновациялар ёрдамида самарали рақобат механизмига ўтиш иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланган². Агар бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг инвестицияларни жалб қилиб, уларни янги техника, технология яратишга йўналтириш, инновациялар асосида бозордаги ўз мавқенини мустаҳкамлаш орқали рақобатдош бўлишини, янги бозорлар очиш учун курашда амалий омил сифатида инновациялардан фойдаланаётганини ҳисобга олсак, унинг ушбу таълимоти ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Инновацион иқтисодиёт 1920 йилларнинг охири 1930 йилларнинг бошларида иқтисодий фан сифатида шаклланди, иқтисодчи олим Н. Кондратьев техника соҳасида юз бераётган ўзгаришлар иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади, деб таъкидлаган³. Иқтисодчи олим мамлакатда инновацион “масса”нинг тўпланиб қолган ва уни жорий этишнинг иқтисодий шарт-шароитлари вужудга келганини эътироф этган.

Иқтисодий фанда “инновация”нинг моҳиятини илк бор австриялик олим Й. Шумпетер қуйидагича таърифлаган: “Инновация – мавжуд жараёнга янгича қараш, ёндашув бўлиб, замонавий кашфиёт, ишланма ёки инсоният фаолияти билан боғлиқ бўлган янги ишлаб чиқаришни муайян жараёнга қўллаш”. Унинг фикрича, иқтисодий фаолиятга айнан инновацион ёндашув ҳар бир давр иқтисодий тизимининг ривожланиш даражасини белгилаб беради. Унинг назариясида тадбиркорлик ишлаб чиқаришнинг тўртинчи омили сифатида қаралади. Шунингдек, тадбиркорларнинг вазифаси янги товарлар ёки эски товарлар янги услубда ишлаб чиқариш учун ихтиrolардан фойдаланиб, янги хом ашё ва материаллар манбалари ёки янги бозорлар очиб, ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришдан иборат. Олим инновациялар, тадбиркорлар туфайли иқтисодиётда инқилобий ўзгаришлар содир бўлишини башорат қилган⁴.

Америкалик иқтисодчи олим С. Кузнец 1980 йилларда “даврга оид инновациялар” тушунчасини фанга киритди, унинг таълимотига кўра, иқтисодиёт ривожланишининг муайян даврида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва унинг даражасини ошириш асосини даврга оид инновацияларни жорий этиш ҳисобланади, унинг манбаи эса илм-фан.⁵ С. Кузнец муайян даврга оид инновацияларнинг жорий этилиши ижобий самара бериши билан бирга унинг салбий таъсири бўлиши мумкинлигини ҳам таъкидлаб ўтади. Шу сабабли,

² Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Соцэkgиз. 1962. С-345.

³ Кондратьев Н. Д. Большие циклы конъюнктуры // Вопросы конъюнктуры. 1925. № 1.

⁴ Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. М.: Прогресс, 1983. С. 278-285.

⁵ Кузнец С. Современный экономический рост: результаты исследований и размышлений. Нобелевская лекция, стр 105.// Нобелевские лауреаты по экономике: взгляд из России. Под ред. Ю.В. Яковца. Спб.: Гуманистика, 2003.

ижтимоий-иқтисодий муносабатларда инновацияларни ривожлантириш ва унинг ишлаб чиқаришга жорий этилишида давлатнинг иштироки муҳим ҳисобланади. Илмий-техникавий инновацияларнинг иқтисодиётга мунтазам жорий этилиши барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим омили бўлиш билан бирга, жамиятда ишсизлик, танглик, янги авлод мутахассисларини шакллантириш каби муаммоларни келтириб чиқаради. Олим инновациялар назариясига оид Й. Шумпетер ғояларини янги ёндашувлар билан бойитди.

Бир гурух иқтисодчи олимлар⁶ ўз тадқиқотларида ривожланаётган мамлакатлар инновациялар ҳисобидан жадал иқтисодий ўсишининг ички омилларини кўрсатиб бердилар. Уларнинг фикрича, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш омилларидан бири таълим ҳисобланади. Максус таълим, тадқиқот ва ишланмалар учун йирик компанияларнинг харажатлари хусусий тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан биргалиқда инновацион жараённинг асоси бўлган техник тараққиётни қўллаб- қувватлашда муҳим ўрин тутади.

А. Аора ва А. Гамбарделалар олий маълумотли мутахассислар мавжудлигини инновацион ривожланишнинг асосий омили сифатида алоҳида қайд этиб, ушбу назария тарафдорлари ҳисобланишади. Уларнинг фикрича, иқтисодиётнинг юқори технологияли сектори ривожланаётган барча мамлакатларда минтақани ривожлантириш даражасига нисбатан олий маълумотли мутахассислар кўпроқ. Шунингдек, мазкур мамлакатлар кенг ва табақалашган саноат базасига эга эмас, бу мутахассисларни алмаштиришда ишчи кучи учун муқобил сарф-харажатлар долзарб эмаслигини кўзда тутади.⁷

К.Р. Макконнелл, С.Л. Брюарнинг фикрича, йирик компаниялар ташкил этиш иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг асосий йўли, омили сифатида эътироф этилиб, бу ривожланиш янги технологияларга таянади ва қўйидаги тамойиллар асосида амал қиласди: а) йирик капиталдан фойдаланиш; б) йирик бозорлардан фойдаланиш; в) комплекс, марказлашган ва қатъий интеграциялашган бозор ташкил этиш; г) бой ва ишончли хом ашё манбаларини талаб қилиш. Муаллифларнинг фикрича, фақат йирик компаниялар етарлича ресурс базасига эга бўлган ҳолда техник инқилобни таъминлаши, кичик бизнеснинг эса бунга қурби етмаслиги мумкин. Уларнинг инновацион ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этган техника тараққиёти инвестициялар билан ўзаро боғлиқликда амал қилиб, жадал иқтисодий ўсишни таъминлайди. Техника тараққиёти жараёни янги жиҳозлар ва машиналарни яратишга инвестицияларни жалб қиласди, ишлаб чиқаришга татбиқ

⁶ Innovation Policy and the Economy, Volume 5, National Bureau of Economic Research, Adam B. Jaffe, Josh Lerner, and Scott Stern: The MIT Press, Cambridge, Massachusetts – 2005.

⁷ Arora A. and Gambardella A.: “Bridging the Gap”. In A. Aurora and A. Gambardella, eds., From Underdogs to Tigers: The Rise and Growth of the Software Industry in Some Emerging Economies. Oxford, UK: Oxford University Press. - 2005.

этилган инновацион маҳсулотлар эса қолоқ иқтисодиётларда меҳнат унумдорлигини оширишга, харажатларни камайтиришга шароит яратади, деб таъкидлаган эди.⁸

Таъкидлаганимиздек, “инновация”га берилган иқтисодий таърифлар айнан бир-бирига ўхшамайди. Масалан, россиялик иқтисодчи М. Гершман: “Инновация - янгилик, кашфиёт ва ихтиrolар орқали янги маҳсулот, хизмат яратиш ва муайян жараённи вужудга келтириш. Инновацион фаолият натижасида новация (лотинча “novation”), яъни ўзгариш, янгиланиш жараёни содир бўлади. Новация – олдин амалиётда бўлмаган янги ихтиро, янги ҳодиса, янги ҳолат бўлиб ижтимоий эҳтиёжларни қондиришнинг янги усули сифатида юзага чиқади”⁹. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инновация назариясини тадқиқ этиш зарурияти дастлаб иқтисодий ва технологик соҳаларда юзага келаётган инқирозлар сабабини ўрганиш, давлатлар ўртасидаги ўзаро зиддиятларда муваффақиятларга эришиш, давлат ўртасида замонавий қурол-яроқларни ишлаб чиқаришга бўлган омиллар доирасида шаклланди. Шунингдек, иқтисодий инқирозларни бартараф этиш ва унинг оқибатлари олдини олишда саноатга асосланган ривожланиш циклидан инновацион ривожланиш фазасига ўтиш муҳим аҳамият касб этади¹⁰.

Ушбу йўналишда тадқиқот олиб борган олим Ю.В.Яковец инновация назариясининг шаклланиши ва ривожланишини уч босқичга ажратади¹¹. Куйида Ю.В.Яковец томонидан илгари сурилган инновация назариясининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ жараёнларнинг ривожланиш босқичлари берилган.

⁸ Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2т.: Пер. с англ. – М: 1997. Т.2. – С. 89.

⁹ Гершман М.А. Инновационный менеджмент: учеб. пособие/ М.А. Гершман.-М.:Маркет ДС, 2008. – С. 46.

¹⁰ Туган-Барановский М.И. Избранное. Периодические промышленные кризисы. История английских кризисов. Общая теория кризисов.- М.: Наука - РОСС-ПЭН, 1997.

¹¹ Яковец Ю.В. Эпохальные инновации XXI века.- М.: Экономика, 2004. –С. 18.

Инновация назариясининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари

1-босқич. 1910–1930 йй. Инновацияларнинг бошланғич фундаментал асосларини шаклланиши

2-босқич. 1940 – 1960 йй. Бошланғич фундаментал асосларини ривожланиши ва тадқиқот предмети сифатида ўрганиш

3-босқич. 1970 йилдан кейинги давр. Бунда инновацион ривожланишнинг даврий тебраниш цикли, технологик укладлар каби янги назарий қарашлар вужудга келди

1-расм. Инновация назариясининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари¹².

1.1-расмдан кўриниб турибиди, инновация назариясининг шаклланишининг биринчи босқичи 1910-1930 йилларга тўғри келади. Ушбу босқичда Н.Д.Кондратьев ва Й. Шумпетерлар инновация назариясининг шаклланиши ва унинг ривожланишига катта ҳисса қўшишган. Хусусан, Н.Кондратьев ўз илмий қарашларида инновациянинг назарий йўналишига эътибор қаратиб, иқтисодиётни “ўсиш” ва “пасайиш” циклидаги тебранишлар ҳамда мамлакатдаги техник кашфиётлар ва уларнинг амалиётга жорий этиш ўртасида объектив қонуниятлар мавжудлигини назарий жиҳатдан асослайди¹³. Таъкидлаш жоизки, Н.Д.Кондратьевнинг инновация назарияси нафақат технология ва иқтисодиётни, балки ижтимоий-сиёсий соҳаларни ҳам ўз ичига олиб, инновацияларни жамиятнинг турли соҳаларида жорий этиш механизмларини очиб берган.

Й.Шумпетер эса Н.Кондратьевнинг инновация назариясини қўллаб-куватлаган ҳолда: “Тадбиркорларнинг вазифаси кашфиётлардан самарали фойдаланиш ёки яна ҳам чукурроқ маънода таъкидласак, янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва замонавий товарларни таклиф қилиш, ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, янги бозорларни забт этиш орқали ишлаб чиқаришда инқилобий ўзгаришларни амалга оширишдан иборат¹⁴”, – дея таъкидлайди.

¹² Расм муаллиф томонидан тузилган.

¹³ Кондратьев Н.Д. Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения.-М.: Экономика, 2002.С. -370-371.

¹⁴ Шумпетер Й.А. Капитализм, социализм и демократия. - М.: Экономика, 1995-.С. 183-184.

Инновация назариясининг шаклланиши ва ривожланишининг биринчи босқичида Н.Кондратьевнинг издоши бўлган П.Сорокин инновациянинг ривожланишини ижтимоий-иктисодий ва сиёсий муносабатлар билан бирга, давлатлар ўртасидаги урушлар, илмий янгиликларнинг очилиши ва кашфиётлар эканлигини таъкидлади.¹⁵ Унинг фикрича, агар ҳар қандай инновацион ривожланиш жамият ва шахслар учун иктисодий манфаатдорлик келтирадиган бўлса, унга молиявий жиҳатдан маблағ топиш зарурлиги ва ушбу ҳаракатлар ҳар қандай шароитда ўзининг натижасини беришини тасдиқлади. Бунга амалиётдан жуда кўп мисоллар келтиради. Хусусан, инсониятнинг ой ва коинотга чиқиши, атом қуроллари яратиши ва бошқалар шулар жумласидан.

Инновация назариясини шаклланиши ва ривожланишининг иккинчи босқичи, яъни 1940-1970 йилларда кескин фундаментал ўзгаришлар содир бўлмаган. Фикримизча, бунинг асосий сабабларидан бири, Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги қуролланиш сиёсатининг авж олишидир.

Иктисодчи олимлар ва инновация назарияси тарафдорларининг ушбу босқич бўйича хуносалари шундан иборат бўлдики, ҳар қандай иктисодий ривожланиш, шу жумладан, инновацион янгиликлар амалиётда ўз самарасини бериши учун, биринчи навбатда, мамлакатда сиёсий барқарорлик ва тинчлик хукм суриши жуда муҳим ҳисобланади.

Мамлакатда сиёсий барқарорлик ва тинчлик хусусида гап кетганда Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ узоқни кўзлаб олиб борган ижтимоий, иктисодий ва сиёсий ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда қарор топган сиёсий барқарорлик ва тинчлик нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Бу, албатта, мамлакатимизда инновацион иктисодиёт ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Инновация назарияси шаклланиши ва ривожланишининг иккинчи босқичида инглиз олими Дж.Бернал тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга. У инсоният ривожланишининг энг қадимги тош давридан ҳозирги давргача бўлган жараёнларни чуқур тадқиқ қиласиди. Унинг таъкидлашича, дастлабки давларда оловдан фойдаланиш, кулолчилик, ғилдирак ва қайиқлар илм-фан мавжуд бўлмаган шароитда кашф қилинган бўлса, бизнинг асримизда ижтимоий-сиёсий, маданий ва иктисодий ҳаётда жорий қилинаётган илм-фан янгиликларини жорий этиш тезлиги уларни ўзлаштиришдан кўра илгарилааб кетди¹⁶.

¹⁵Сорокин П.А. Социальная и культурная динамика. Пер.с анг.,-М.: Астрель, 2006.-С. 285.

¹⁶Бернал ДЖ. Наука в истории общества. - М.: Издательство иностранной литературы, 1956.-С. 146.

Иқтисодчи олимлар инновацияга тизим, жараён, натижа ва ўзгариш¹⁷ сифатида таъриф беришган. Масалан, Р. Фатхутдинов инновацияга бошқарув объектини ўзгартириш ва иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техникавий ёки бошқа турдаги самарага эришиш мақсадида янгиликларни жорий этишнинг якуний натижаси сифатида таъриф беради.¹⁸

Иқтисодий адабиётларда инновацияларга берилган таърифларнинг ривожланиш босқичларини 1-жадвалда қиёсий таҳлил этиш мумкин.

1-жадвал

Инновацияга оид таърифлар эволюцияси таҳлили¹⁹

Муаллиф-лар	Тадқиқот обьекти	Инновацияга таъриф	Изоҳ
Б.Брайан		Интеллектуал товар – ихтиро, ахборот, ноу-хау ёки ғоя иқтисодий мазмунга эга бўладиган жараён.	Ушбу таърифга кўра, ижтимоий-иқтисодий самара бўлиши ва ғоя сотилиши лозим.
Б.Санто	Жараён	Ижтимоий, техник, иқтисодий жараён. Хусусиятлари бўйича яхшироқ маҳсулотлар, технологиялар яратилишига олиб келадиган ғоялар, ихтиrolардан амалий фойдаланиш, иқтисодий манфаат, фойда олишга қаратилган. Кўшимча даромад, фаолият турларининг барча спектри тадқиқот ва ишланмалардан маркетинггача қамраб олади.	Ушбу таърифда маҳсулотнинг бозордаги ҳаракати тадқиқ этилмаган. Ишлаб чиқариш, кадрлар, транспорт воситалари ҳисобга олинмаган.

¹⁷ Брайан Т. Управление научно–техническими нововведениями. – М.: Экономика, 1989. – 310 с., Санто. Б. Инновация как средство экономического развития / Б. Санто; пер. с венг. общ. ред. Б. В. Сазонова. – М.: Прогресс, 1990. – 296 с., Лапин Н.И. Теория и практика инноватики. Учеб. пособие. – М.: Университетская книга; Логос, 2008. – 328 с., Ф. Валента «Творческая активность – инновации - эффект» М.: Прогресс, 1985г., с 24., Водачек Л., Водочкова О. Стратегия управления инновациями на предприятии: сокр.пер. со словац. / ав.предисл. В.С. Рапопорт.- М.: Экономика, 1989.-166 с., Левинсон А.Экономические проблемы управления научно-техническим прогрессом: Опыт системного анализа.М.: Экономика, 1973.-315 с.

¹⁸ Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент.-М.: Интел- Синтез, 2000.- С- 48.

¹⁹ Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф ишланмаси.

Н.Лапин	Тизим	<p>Инновация кишиларнинг маълум эҳтиёжини яхшироқ қондириш учун янги амалий воситани яратиш, тарқатиш ва фойдаланиш жараёни деб таърифланади.</p>	<p>Ушбу ёндашувларда инновация аниқ моддий объект сифатида кўриб чиқилмаган, ташкилий бошқарув, ижтимоий ва бошқа инновациялар ўрганилмаган.</p>
Ф.Валента	Ўзгариш	<p>Инновацияга ишлаб чиқариш механизмининг бошланғич тузилмасидаги ўзгаришлар, жумладан, унинг ички тузилмасининг янги ҳолатга ўтиши: технологиялар, ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи, ташкилотнинг касбий ва малакавий тузилмаси; ижобий ва салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга эга ўзгаришлар сифатида қаралади.</p>	<p>Янги хомашё турлари, янги бозордан фойдаланиш имконияти ҳисобга олинмаган. Инновация маъносини ўқотувчи салбий оқибатлар юзага келиши мумкинлиги қайд этилган.</p>
И.Водачек		<p>Корхона фаолиятини тизим сифатида мақсадли ўзгариши (миқдор, сифат ва фаолиятининг ҳар қандай соҳасида самара).</p>	<p>Янги хом ашёга, товар ва хизматлар, сотиш бозорларига киритилган ўзгаришлар.</p>
А.Левинсон	Натижка	<p>Олдиндан амалга оширилган илмий, амалий, ташкилий иш натижаси.</p>	<p>Салбий оқибатлар эҳтимоли ҳисобга олинмаган.</p>
Л.Гохберг		<p>Инновация фаолиятининг бозорда жорий қилинган янги ёки такомиллашган маҳсулот кўринишида намоён бўлган якуний натижаси. Амалий фаолиятда қўлланадиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёнларга янгича ёндашув.</p>	<p>Ғоя пайдо бўлишдан амалиётга жорий этишгача бўлган жараённи босиб ўтиши лозим.</p>

Инновациянинг мазмунига янаям кенгроқ қарайдиган бўлсак, унинг лугавий маъноси инглизча “innovation” сўзидан олинган бўлиб, янгилик киритиш, ихтиро сўзларини англатади²⁰. Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, инновацияга расмий доирада ҳам таърифлар берилган. Айниқса, уларнинг ичидаги Осло хукуматининг инновацияга берган таърифи алоҳида эътироф этилади. Унга кўра: “Инновация - янги ғояларни яратиш асносида бозордаги талабга қараб замонавий ва сифатли товарлар ишлаб чиқариш орқали рақобатчиларидан ўзиди кетиш”²¹, -дея қайд этилади.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида “инновация” киритилган янгилик, ихтиро маъносини англатиши эътироф этилиб, унга: техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; илмий, техника-технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланилиши деб, таъриф берилган²².

Ҳ.П.Абулқосимов ва М.Ҳ.Абулқосимовлар томонидан тузилган изоҳли луғатда “инновация” тушунчасига тор ва кенг маънода қуйидагича таърифлар берилган: “Инновация - жамият ривожланиши билан ўзгариб борувчи инсон эҳтиёжларини қондиришга оид янгиликлар, уларни яратиш, тарқатиш ва фойдаланиш жараёнининг мажмуаси. Инновация - янги киритилган тартиб-қоида, усул, расм-руслум ва янгилик, янги кўринишдаги буюмларни, технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва оммалаштиришга қаратилган ижодий фаолият натижаси.

Инновация (инглизча “innovationas”- киритилган янгилик, ихтиро сўзидан олинган) - фан-техника ютуқлари ва илгор тажрибага асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланишидир. Инновация деб янги кўринишда маҳсулот (товар, иш, хизмат) яратилишини ёки такомиллаштирилишини, ишлаб чиқариш жараёнининг янги кўриниши жорий қилинишини ёки ушбу жараённинг такомиллаштирилишини, бизнесни юритишида янги маркетинг ёки ташкилий усусларнинг жорий қилинишини, иш ўринлари ташкил этишни ёки ташқи алоқалар ўрнатилишини ўзида мужассамлаштирган инновациявий фаолиятнинг якуний натижаси тушунилади. Кенг маънода инновация дейилганда янги технологиялар, маҳсулот ва хизматлар турлари сифатидаги янгиликлар, ишлаб чиқариш, молия, тижорат, маъмурий ёки

²⁰ Gentry W. M., Hubbard G. R.“Success Taxes”, Entrepreneurial Entry, and Innovation . // NBER Working Paper. 2004. No 10551.

²¹ Руководство Осло. Рекомендации по сбору и анализу данных по инновациями / перевод с англ. З-изд. М.: 2006. (Oslo Manual Guidelines for Collection and Interpretation of Innovation Data. Third ed. A Joint publication of OECD and Eurostat. OECD/EU.2005.

²² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т. : 2002. 169 б.

бошқа хусусиятларга эга ташкилий-техникавий ва ижтимоий-иктисодий карорлардан самарали фойдаланиш тушунилади. Янгилик гоясининг туғилиши, яратилиши ва оммалашишидан бошлаб фойдаланишгача бўлган вақтни инновациянинг ҳаётий цикли деб аташади. Ана шулар билан боғлиқ ишларни олиб бориш тартиби ҳисобга олинган ҳолда инновациянинг ҳаётий циклига инновация жараёни сифатида қаралади.

Халқаро стандартларга кўра, инновация бозорда жорий этилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалий фаолиятда қўлланиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён ёхуд ижтимоий хизматларга янгича ёндашув кўринишидаги инновация фаолиятининг пировард натижаси сифатида баҳоланади”²³.

Шунингдек, инновацион фаолият натижасида новация (лотинча “novation”) яъни ўзгариш, янгиланиш жараёни содир бўлади. Новация – олдин амалиётда бўлмаган янги ихтиро, янги ҳодиса, янги ҳолат бўлиб, ижтимоий эҳтиёжларни қондиришнинг янги усули сифатида юзага чиқади. Инновация – капитални янги техника, технология ва ишлаб чиқаришга, меҳнатни янгича ташкил этиш, бошқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига сарфлаш натижасида олинган моддий ҳамда номоддий неъматлар. Инновация жараёни - янгилик гоясини илгари суриш, ривожлантиришдан унинг пировард истеъмолчи томонидан истеъмол қилинишигача бўлган мантиқий изчилликда харакатланувчи жараён, у янгиликни яратиш, уни ўзлаштириш, тарқатиш ва такомиллаштириш, унинг натижаси бўлган янги маҳсулот ва хизматни тижоратлаштириш, яъни бозорда реализация қилиб, фойда ва наф олиш босқичларини ўз ичига олади. Инновацион фаолият - ишлаб чиқаришни, унинг моддий-техника базасини янгилашга ва ривожлантиришга имкон берувчи янги ғоя ҳамда ишланмаларни яратиш, ўзлаштириш ва татбиқ этишга қаратилган жараёнлар мажмуаси. Инновацион фаолият натижасида олинган маҳсулот эса инновацион маҳсулот дейилади.

Инновацион ривожланиш жараёни деганда, илмий-техник соҳанинг жамиятнинг иктисодий ва ижтимоий ривожлантириш жараёнларига интеграциялашуви назарда тутилади. Бундай интеграция илмий-техникавий соҳа ёрдамида фан сиғими юқори маҳсулотлар ва хизматларнинг янги бозорларини яратадиган ва рақобат мавқенини мустаҳкамлайдиган самарали янгиликларнинг барқарор оқимини яратиш учун кучли рағбатларни юзага келтирувчи институтлар тизимини шакллантиришни англалади²⁴.

²³ Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иктисодиётга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати.-Т.:”ABU MATBUOT-KONSALT”, 2017.-203-204-бет.

²⁴ Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иктисодиёт рақобатдошлигини ошириш / ЎзФА, А.Ф. Расуловнинг таҳрири остида.-Т.; KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011.-151-б.

Таъкидлаш жоизки, ушбу иқтисодий терменлар асосида вужудга келадиган муносабатлар, уларнинг назарий жиҳатлари нафакат мамлакатимиз иқтисодчи олимлари, балки МДҲга аъзо мамлакатлар иқтисодчи олимлари ва мутахассислари томонидан ҳам етарлича тадқиқ этилмаган. Буни С.М.Бельтиюкованинг қуидаги фикрлари ҳам тасдиқлаб турибди: “Хозирги вақтда “инновацион иқтисодиёт” тадқиқотчилар томонидан етарлича ўрганилмаган соҳалар қаторига киради. Замонавий энциклопедия ва иқтисодий луғатларда “инновацион иқтисодиёт”га аниқ ва пухта берилган таъриф мавжуд эмас. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, инновацион ривожланишга бағишлиланган тадқиқот ишларида ва иқтисодий адабиётларда “иқтисодий билим”, “янги иқтисодиёт”, “постиндустриал иқтисод” каби терменларни кузатиш мумкин²⁵”.

Бироқ, эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда инновацион ривожланишни жорий этишнинг иккинчи босқичида Б.Абдуллаев, Ш.Синдаров ва бошқалар диссертация ишларида инновациянинг айrim жиҳатларини ўрганганд. Хусусан, Б.Абдуллаев номзодлик илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертациясида бозор иқтисодиёти шароитида инновацион фаолиятнинг бошқарувини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этган²⁶, Ш.Синдаров ўзининг номзодлик илмий даражасини олиш учун тайёрлаган тадқиқот ишида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолиятида инновацион жараёнлардан фойдаланишнинг иқтисодий механизмини самарасини ошириш ва такомиллаштириш йўллари ўрганилган²⁷.

Юқорида қайд этилган номзодлик ишларида инновация, инновацион ривожланиш каби иқтисодий муносабатларнинг назарий асослари сифатида хорижлик иқтисодчи олимларнинг фикрлари ва ғоялари келтирилган. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек МДҲ мамлакатлари ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари мазкур масалаларнинг назарий жиҳатларини етарли даражада тадқиқ этмаган ва бу каби иқтисодий терменларнинг моҳиятини очиб берувчи таърифларни шакллантирган.

Булардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари ва ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб инновацион ривожланишнинг назарий жиҳатларини чуқурроқ тадқиқ этиш ҳамда уларга таянган ҳолда “инновация”, “инновацион иқтисодиёт” ва

²⁵ Бельтиюкова С.М. Инфраструктурный фактор развития инновационной деятельности регионов. Вестник ПНИПУ. Социальные экономические науки. 2013. №21. 121-127 стр.

²⁶ Абдуллаев Б.А. “Инновацион фаолиятнинг бошқарувини такомиллаштириш”. 08.00.05-Менежмент ихтисослиги бўйича номзодлик илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертация. Андижон, 2002.

²⁷ Синдаров Ш.Э. “Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик фаолиятида инновацион жараёнлардан фойдаланишнинг иқтисодий механизми”. 08.00.02-Макроиктисодиёт ихтисослиги бўйича номзодлик илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертация. Тошкент, 2010.

“инновацион ривожланиш” каби терменларнинг иқтисодий моҳиятига муаллифлик таърифларини шакллантириш лозим.

Инновацион иқтисодиёт – инсон интеллектуал капиталига асосланган хўжалик юритиш шаклидир. Инновацион иқтисодиёт кишилик жамиятининг барча хўжалик юритиш шаклларини босиб ўтгандан кейин жорий этиладиган босқичидир, хўжалик юритишнинг бу босқичида миллий иқтисодиётнинг барча бўғинларида энг замонавий техника ва технологиялар жорий этилади.

Инновацион ривожланиши – миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини инсон интеллектуал капитали ва юқори технологияларига асосланиб таъминлашининг ижтимоий-иқтисодий жараёнидир.

Инновацион ривожланиш даврида мамлакат миллий иқтисодиёти ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатишга узлуксиз жорий этиладиган замонавий техника ва технологиялар таъсирида барқарор ўсиб бориш имкониятига эга бўлади. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишига ривожланган фан-техника тараққиётини амалиётга жорий этиб бориш бевосита таъсир қиласди. Бу жараёнда миллий иқтисодиётга шундай тизим жорий этиладики, унда фан, снаоат ва жамият ўртасида ўзаро узвий боғлиқлик пайдо бўлади, инновация саноат ва жамият ривожланишнинг базасини ташкил этади, ўз навбатида инсон интеллектуал салоҳияти бу икки жараённи рағбатлантирадиган омил бўлиб хизмат қиласди.

Юқорида берилган таърифлардан келиб чиқиб, “Инновация — инсоннинг ақл-заковати, ишлаб чиқариш тажрибаси негизида яратилган, ишлаб чиқаришга татбиқ этилган, айни вақтда, иқтисодий-ижтимоий самара келтираётган интеллектуал мулк кўринишидаги янгиликлар, ихтиrolар, кашфиётлар, ғоялар ва янгича ёндашувлар мажмуасидир” деган муаллифлик таърифи шакллантирилган. Агар инновацийон ғоя яратилсада, ишлаб чиқаришга татбиқ этилмаса, ўзининг иқтисодий нафлилигини исботламаса, инновация ҳисобланмайди. Бу ўринда муҳим бир ҳолатни алоҳида таъкидлаш керакки, яратилган инновациялар тижоратлаштирилиб, амалиётга тадбиқ этилиб, иқтисодий-ижтимоий самара бергандагина уларни инновациялар деб, ҳисоблаш мумкин.

Ушбу таъриф мазмунига кўра, инновациялар нафақат ғоялар, ишланмалар, кашфиётлардан иборат, балки инновациялар таркибига умум тараққиётга хизмат қилувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ва мулк объектларини самарали амалга оширишга оид ташкилий-бошқарув тавсифдаги мутлақо янгича инновацион ёндашув ва тамойилларни ўзида мужассам этади.

Инновациялар жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бир босқичидан етукроқ босқичига ўтишнинг илмий, моддий ва маънавий асосини яратиб беради. Айнан инновациялар орқали жамиятнинг ишлаб чиқариш усули,

ишлиб чиқариш воситалари сифат ва микдор жиҳатдан такомиллашади. Ишчи кучида ҳам сифат ўзгаришлари содир бўлади, унинг тақсимоти такомиллашади. Бу ҳолатлар, ўз навбатида, одамларнинг кундалик турмушида қулайлик, ижобий сифат ўзгаришлар бўлишига, ҳаёт сифатининг ошишига хизмат қиласди.

Фикримизча, ўз фаолиятига доимий равишда инновациялар, яъни янгиликлар, ихтиrolар, янги технологиялар, техникалар, бошқариш ва меҳнатни ташкил этишга замонавий тизимларни киритиб, амалиётга татбиқ этиб борадиган фаол тадбиркоргина инқироз домига тушиш ва банкрот бўлиш хавфидан холи бўлади. П.Дракернинг таъкидлашича, “тадбиркорларни инновацион фикр юритиш билан фарқлашади. Инновацияга эга бўлиш тадбиркорликнинг асосий қуролидир.”²⁸

Инновацион тадбиркорлик – мавжуд ижтимоий-иктисодий муносабатларни янги ғояларни тадқиқ қилиш ва изланиш асосида янгиларига жорий этиш жараёни²⁹. Кўриниб турибдики, иктисодиётда инновацион муносабатларнинг субъектларига интеллектуал жиҳатдан катта масъулият ва риск юкланди, ушбу масъулият ва рискни самарали бўлиши учун мамлакатда бизнес муҳит мухим аҳамият касб этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “фаол тадбиркорлик” ва “фаол тадбиркор” тушунчаларига берган таърифи дикқатга сазовор. Ш.М.Мирзиёев “Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иктисодий фаолиятдир. Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатдош маҳсулот ишлиб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз”³⁰, деб таъкидлади.

Инновацион ривожланиш моделлари иктисодий ривожланишнинг турли соҳаларини қамраб олади. Уларни умумлаштириб инновацияларнинг қуйидаги классификациясини келтириш мумкин:

Технологик инновациялар (маҳсулот бўйича инновациялар, жараёнлар бўйича инновациялар.

Маркетинг инновацияси (маҳсулотлар дизайнни ва қадоқланишдаги жиддий ўзгартиришлар, маҳсулотни сотиш ва тақдимоти бўйича янги усуллардан фойдаланиш, уларни бозорларга танитиш ва олға силжитиш бўйича янги усуллардан фойдаланиш, янги нарх стратегияларини шакллантириш).

²⁸ Дракер П.Ф. Инновации и предпринимательство.-М: 1992.- С. 234.

²⁹ Дергунов А.И. Системный подход к развитию национальной инновационной среды // Инновации, -№3. -2008. - С. 53-56.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2018. 6.20.

Ташкилий инновациялар (бизнесни юритишда бошқаришдаги инновациялар, иш ўринлари, меҳнат ҳамда ташқи алоқаларни ташкил этишда янги усулларни ишлаб чиқиши).

Инновацияларнинг бир неча муҳим функциялари мавжуддир. Инновациялар биринчи функциясининг мазмуни шуки, ялпи ички маҳсулотнинг қиймат таркибида капитал, материаллар ва меҳнат сифимини камайтириш, соғиллий маҳсулот ва даромад сифимини ошириш ҳамда юксак меҳнат унумдорлигига эришишдир. Иқтисодиётда ишлаб чиқарувчи кучларни рационал жойлаштириш ва уларнинг салоҳиятидан унумли фойдаланишни тақозо этади.

Инновацион ривожланишдан қўзланган асосий мақсадлардан бири ишлаб чиқаришнинг ассортименти ва унинг таркиби ҳамда ҳажмини истеъмолнинг ассортименти, таркиби ва ҳажмига мос келишини таъминлаш, яъни ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатига уларнинг структурасини доимий равишда оптималлаштириш орқали эришиш устувор масала ҳисобланади. Инновационларнинг яна бир функционал вазифаси жамиятда жисмоний шахслар, меҳнат жамоалари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан яратилган янгиликлар, ихтиrolар, кашфиётларни иқтисодий амалиётга татбиқ этиш орқали ресурслар чекланган ҳолатда жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини қондириш, пировард натижада аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишдир.

Шу нуқтаи назардан, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инновацион ривожланишнинг аҳамияти катта. Зеро, инновацион ривожланишни амалга ошириш, аввало, иқтисодиётнинг реал секторини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, илмий-техник лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, фан ва технологиялар ҳамда ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш лозим.